

ef

Oila va jamiyat



YIGIT OMON BO'LSA, QO'RG'ON SALOMAT

“**О**ила – муқаддас қўрғон. Ҳарбийлик касби ва уларнинг оиласи бошқа соҳа вакиллари оилаларидан тартиб интизоми билан ажралиб туради. Ҳарбий хизматчилар кеча-ю кундуз (зарурат туғилганда, ҳафталаб, ойлаб) Ватан ҳимояси йўлида хизмат олиб боришади. Ҳар қандай вазиятларда саф олдида туриб, Ватан учун курашга шай туришади. Хизмат турлари билан боғлиқ ҳолатларнинг кўплиги ва уларнинг асосий вақтлари ўз оиласидан йироқдалиги оиланинг ўзига хослигидан биридир. Шунинг учун ҳарбийлар оиласидаги муносабатлар барқарорлиги ҳарбий хизматчи учун жуда ҳам зарур ҳисобланади.



»4



Kitob nashri uchun imtiyoz bo'ladimi?

Йил остонасида бир-биримизга улашаётган янгиликларимизнинг барчаси ҳам қувонарли эмас. Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда барча нашриёт ходимлари ва зиёлиларни, умуман, маънавиятга, маърифатга бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни безовта қиладиган – янги солиқ кодекси билан боғлиқ мулоҳазаларнинг кети узилмаяпти. Хўш, нашриётлар ва китоб савдоси учун тўланадиган 15 фоизли ҚҚС келгусида бизни қандай муаммоларга дучор қилиши мумкин? Ёки бунинг ижобий томонлари ҳам борми? Саҳифамиз орқали ушбу саволларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. »5



Keksalarni doim tushunaylik

Атрофимизга бир назар солсак, оилаларда ёши ҳар хил бўлган инсонлар бирга яшашиди. Болалар ҳақида, оилавий можаролар, йигитлар ва қизлар, улар орасидаги муаммолар ҳақида жуда кўп гапирилади. Аммо биз билан бирга яшаётган, шу оиланинг устунлари бўлган ёши катта инсонлар ҳақида жуда кам маълумотлар берилади. Кексалик нима? Биз кимларни кекса инсонлар деб атаймиз? Кекса инсонларнинг муаммолари нимада? Бугун биз сиз билан шу ҳақда гаплашмоқчимиз.

Кекса инсонларни ўрганувчи фан геронтология деб аталади. Қарилик ҳар бир организмда индивидуал ривожланади. Инсоннинг ёшини календар, яъни хронологик тарзда ўрганиш мумкин. Баъзан, қариш жараёни инсоннинг ёшига мос келмайди. Масалан, 60 ёшли одамда 70 ёшга кирган инсон танасига хос бўлган ўзгаришлар, фаолиятлар бузилиши кузатилиши мумкин. Демак, физиологик қариш билан бир қаторда, эрта қариш жараёни ҳам мавжуд экан. »2

Meni kechiring, bolajonlarim!

yoхud mehribonlik uyidagi o'g'rilik

– Олиб келган нарсаларингни қайтариб ташлаб кел. Менга етимларнинг ҳаққи керак эмас. Одил Гулноранинг қўлидаги сумкани жаҳл билан тортқилаб олди. Елим сумка йиртилиб, ичидаги сариёғ, гўшт, ширинликлар ерга тўкилди.
– Нега унақа қиласиз-а, дадаси?

Ахир етимхонага ҳар хил одамлар келиб, хайр-эхсон қилиб кетади. Егулик кўплигидан музлаткичнинг эшиги ёпилмай қолди. Шунга ошхонадагилар оз-оздан бўлишиб олдик, – деди Гулнора ердаги ширинликларни битта-биттадан териб оларкан.

»6

Таҳририятимизга келган мактубларнинг бирида самарқандлик Дилноза Алимова шундай ёзади: “Кейинги пайтда уйимизда ғалати ишлар содир бўляпти. Бир куни эрталаб турсам, шафимдаги кийимлар ноодатий ҳолда тахлаб қўйилган экан. Орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин яна ғалати бир ҳолатга гувоҳ бўлдим: ошхонамда кимдир ҳамма жойни ун қилиб ҳамир қорибди. Эртаси куни эса ўғлимнинг дарс столи устида маҳорат билан

чизилган сурат пайдо бўлди. Бу ишларни ким қиляётганини билмасдан бошимиз қотди. Турмуш ўртоғим ҳам, фарзандларим ҳам елкаларини қисиб юз бераётган ишлардан беҳабар эканликларини айтишди. Бироқ бу ишлар мени борган сари хавотирга сола бошлади. Шу боис турмуш ўртоғим билан уйқудан воз кечиб, кузатув ишларини олиб бордик. Не кўз билан кўрайликки, 12 ёшли ўғлим уйқусида хонама-хона кириб ай-

ланиб юрибди. Қўрқувдан юрагим ёрилай деди. Нима қилишни билмай шошиб қолдим. Исминини айтиб қақириб, уйғотишга ҳаракат қилдим. Бунга касаллик деб қараш керакми ёки ўтиб кетадиган бир ҳолатми, билмаймиз. Аслида ушбу касаллик қандай пайдо бўлади, хавфли эмасми, деган саволлар бизни безовта қила бошлади. Саҳифаларингиз орқали саволларимизга жавоб топишимизда ёрдам берсангиз.” »7



JIZZAXDA JINOYAT SODIR ETGAN 39 NAFAR XOTIN-QIZ QO'MITA

Бу ҳақда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан хотин-қизлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир ишлар таҳлилига бағишлаб оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Анжуманда вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлигининг ўринбосари, майор Сайёра Холмирзаеванинг маълум қилишича, 2019 йилда вилоятда аёллар томонидан 188 та

KAFILLIGIDA OZODLIKKA CHIQQAN

жиноят содир этилган. Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 2018 йилга нисбатан 4 фоизга камайган.

Вилоят ички ишлар органлари томонидан аёллар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари, айниқса, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, ўтган йили жиноят содир этган 39 нафар аёл хотин-қизлар кўмиталари

кафиллигида озодликка чиқарилди.

Қайта жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш муассасасидан қайтган 21 нафар хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш чоралари кўрилиб, ишга жойлаштирилди.

Хотин-қизлар кўмиталари, фуқаролар йиғини, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёллар ва болаларга

фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириш, таълим муассасаларида давоматни назорат қилиш, профилактик ҳисобда турганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Матбуот анжуманида ички ишлар тизимида кечаётган ўзгаришлар, ахборот очиклиги, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ҳақида журналистлар билан фикр алмашилди, саволларга жавоб берилди.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА

Гавҳар ALIMOVA:

ENDI ZO'RAVONLAR JAVOBGARLIKDAN QUTILIB QO'LOLMAYDI



Zarnews.uz saytida bugun «Хотин-қизлар кўмитаси икки ўт орасида қолдимиз ёки зўравонликка қарши қим қурашиши керак?» номли мақола эълон қилингани. Кунин кеча вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан шу мавзу юзасидан ўтказилган йиғилишда зўравонликка қарши қурашиш чоралари ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя орденини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида» Низом қабул қилингани ва унинг мазмун-моҳияти аҳоли орасида тарғиб этилиши лозимлиги белгиланди.

Таъкидлаш ўринлики, ушбу Низом

ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя орденини, шунингдек, ушбуни содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя орденининг нусхасини бериш тартибини белгилайди.

– Мазкур Низом билан зўравонликка барҳам беришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди, – дейди йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Алимова. – Илгари хотин-қизлар кўмитаси бу масалада кўпроқ яраштирувчи вазифасини ўтаганди. Эндликда ҳамкор ташкилотлар билан бу ҳолатга қарши жиддий қурашувчи бўлиши лозим. Ахир қачонгача оиладаги зўравонликни яширамиз? Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган гап бор халқимизда. Мана, яқин ойлarda Ургут, Самарқанд туманларида эри ичиб келиб, рафиқасига тан жароҳати етказгани уларнинг умрига зомин бўлди. Хотин-қизлар кўмитаси бу масалада аввал бу ҳолатларнинг олдини олишда қайсидир маънода қўли боғланган эди.

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини амалга ошириш учун эндликда ушбу Низом асосида иш олиб борамиз. Зўравонлик ҳолатлари статистикаси юритила бошлайди. Тўғри, шу пайтга қадар

хотин-қизларни зўриққан ҳимоя қилиш мақсадида вилоятда ташкил этилган 17 та реабилитация марказларига 700 дан ортиқ аёллар мурожаат қилганди. Уларнинг 170 нафарига психологик ёрдам кўрсатилганди. Аммо айнан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати статистикаси юритилмасди. Низомда ҳимоя орденини бериш тартиби, унинг амал қилиш муддати, бу масалада ички ишлар, хотин-қизлар кўмитаси вакилларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Бу масалада ваколатимиз доирасида ишлар олиб борганмиз. Мисол учун, оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, зўравонликка, тазйиққа учраши эҳтимоли бор оилалар рўйхати шак-

лантирилган ва улар билан доимий равишда иш олиб борилаётганди. Хусусан, беш мингдан зиёд оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар, 600 дан зиёд турмуш ўртоғи муттасил ичкиликка берилган оилалар аниқланиб, уларга тегишли тартибда ёрдам бериб борилмоқда. Аммо аксар ҳолатларда зўравонликка эътиборсизлик ҳолати ҳукм сураётганди. Бизнинг аёлларимиз бу ҳолатни яширишга уриниши бор гап. Шунинг учун илгари жабрдийдалар ўзлари мурожаат қилмаса, иложимиз йўқ, деб зўравонлар жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишган. Энди бундай бўлмайди.

Г. МҮМИНОВА.



Атрофимизга бир назар солсак, оилаларда ёши ҳар хил бўлган инсонлар бирга яшашади. Болалар ҳақида, оилавий можаролар, йиғитлар ва қизлар, улар орасидаги муаммолар ҳақида жуда кўп гапирилади. Аммо биз билан бирга яшаётган, шу оиланинг устунлари бўлган ёши катта инсонлар ҳақида жуда кам маълумотлар берилди. Кексалик нима? Биз кимларни кекса инсонлар деб атаймиз? Кекса инсонларнинг муаммолари нимада? Бугун биз сиз билан шу ҳақда гаплашмоқчимиз.

Кекса инсонларни ўрганувчи фан геронтология деб аталади.

Қариллик ҳар бир организмда индивидуал ривожланади. Инсоннинг ёшини календар, яъни хронологик тарзда ўрганиш мумкин. Баъзан, қариш жараёни инсоннинг ёшига мос келмайди. Масалан, 60 ёшли одамда 70 ёшга кирган инсон танасига хос бўлган ўзгаришлар, фаолиятлар бузилиши кузатилиши мумкин. Демак, физиологик қариш билан бир қаторда, эрта қариш жараёни ҳам мавжуд экан.

Инсоннинг календар ёши биологик ёшидан қанча катта бўлса, қариш жараёни шунча секин кечади, умри узаяди. Эрта қаришга сабаб бўладиган куйдаги 2 омил кузатилади:

1. Ички омиллар. Ички омилларга

организмнинг турли касалликлари, ирсий омиллар, хромосом касалликлар кирди. Организмни эрта қаришига энг кўп сабабчи бўлган касалликлар атеросклероз, артериал гипертензия, сурункали ўпка касалликлари, ошқозон, жигар касалликлари, асаб ва эндокрин касалликлардир.

2. Ташқи омиллар. Ташқи омиллар бу муҳитдан таъсир этувчи яшаш тарзи, зарарли одатлар, психосоциал зўриқишлардир.

Қариш жараёнида ирсият муҳим аҳамият касб этади. Эрта қариш ёки узоқ умр кўриш наслдан наслга ўтиши исботланган.

60 ёшдан ошган инсонлар куйдагича фарқланади.

Ёши 60 дан ошган кишилар ёши катта инсонлар,

ёши 75 дан ошганлар қари инсонлар.

Ёши 90 дан ошганлар эса узоқ умр кўрувчилар деб аталади.

Қариллик - ёш улғая бориши билан организмда рўй берадиган қонуний ўзгаришларнинг якуний босқичидир. Қариш жараёнида тананинг мослашиш қобилияти чеклана боради, турли патологик ўзгаришлар ривожланади.

Бу ўзгаришлар ёши ўтган сари

уларнинг ташқи кўринишида ҳам намоён бўлади. Қарилликда юз териси қуруқ, буришган, сиражин, ивиллаган, рангсиз тус олади, юпқалашганлиги натижасида тери остидagi томирлар бўриб кўриниш туради. Бош қисмида соч тоналари оқарган, сийрақлашган, кўзлари нурсиз, оғиз бўшлиғида тишлар етишмайди. Умуртқа поғонаси букчайган, ҳаракатлари сустлашган, қийинлашган мана шулар қарилликка хос бўлган айрим белгилардир.

Кўриш, эшитиш, хотира қарилликда пасаяди. Қари одамнинг эти тез-тез жунжикади. Бўйи ва вази ҳам камайди. Эракк киши 50-85 ёшлар ўртасида камида 3 см.га, аёллар эса 4 см.га пасаяди. Меъёрда эраккларда тана вази 40 ёшда, аёлларда эса 50 ёшда максимал ҳолатида бўлади. Ёши улғайган одамнинг барча тизимларида аста-секин ўзгаришлар масалан: қариллик атрофиёси, склерозга мойиллик, моддалар алмашувининг бузилиши, жинсий безлар ва ички безлар фаолиятининг сусайиши ривожланади ва уларнинг пасайган имкониятларга мослашуви юз беради.

Қарилликда рўй берадиган аноксия - иштаҳанинг пасайиб кетиши бунга ёрқин мисолдир. Бу ҳолат

тўқималарнинг яшаш учун зарур бўлган энергия манбаи, озуқа моддаларига бўлган талабнинг пасайиб кетиши кўринишида намоён бўлади.

Қариллик атрофияси деганда ҳужайраларда юз берадиган орқақа қайтмайдиган ўзгаришлар йиғиндисиди, яъни терининг юпқалашуви, суяк ва тоғай тўқималарининг мўртлашуви, тери ости ёғ қатламнинг йўқолиши тушунилади. Аёлларда "климакс" бошланганидан кейин тухумдонлар ва бачадон кичради. Нерв тўқималарида ҳам ўзгаришлар рўй беради.

Кекса ёки қари кишиларга қараш, уларни доволаш унинг атрофидагилардан алоҳида масъулият, муомала – маданиятини талаб этади.

Бунинг учун уларнинг яқинлари, оила аъзолари кекса ёшдаги инсонларнинг ҳаётлари сермазмун, фойдали ўтганлигини, ўз ота-оналик бурчларини яхши адо этганликларини, жамият учун катта фойда келтирганликларини аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаши керак. Бу эса қарияларнинг соғлом бўлишига ёрдам беради.

Матлуба РАҲИМОВА,
Олмалик тиббий коллежи
кафедрa мудири.

Salom ona, onajonginam...

Бу сафар Самарқанддаги Марказий ҳарбий округнинг мустақкам қалъаси қопқалари оналар учун махсус очилди. Самарқандлик оналарни дарвоза қаршисида Марказий ҳарбий округ кўмондони ўринбосари Улуғбек Дўстматов илтифот билан ҳарбий оркестр муסיқа садолари остида кутиб олди. Шундан сўнг бир гуруҳ оналар ташрифни кўмондон ўринбосари ҳамроҳлигида аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишдан бошладилар.

Ҳафтада икки марта китоб мутолааси куни

Ҳарбий округ ҳудудида жойлашган кутубхона ўн минга яқин босма ҳамда электрон китобларни ўзида жамлаган. Кутубхоначи Сарвиноз Абдуҳамидованини айтишига қараганда, муддатли ҳарбий хизматчилар кўпроқ бадиий адабиётлар билан бир қаторда ҳарбий соҳага тегишли, тарихий асарлар, шунингдек, «Темур тузуқлари»ни кўпроқ мутолаа қилишар экан. Электрон кутубхонада эса компьютерлар интернет тармоғига уланган, аскарлар ўзларига зарур бўлган маълумот, адабиётларни тармоқ орқали олиб, бемалол фойдаланишлари мумкин. Ҳафтада икки кун китоб мутолааси куни деб белгиланган ва ҳар бир аскар шу кун кутубхонага келиши шарт. Кейинги хона – ҳатто ёши

Бир пайтлар куш ҳам учиб киролмайдиган ҳарбий қисмдаги шарт-шароитларни кўриб, оналарнинг акаси ўз ҳаяжонини яширолмади. Аммо у ердаги яна бир хона – «Рухий зўриқишларни ечиш» хонаси қайсидир маънода мунисаларнинг кўнглини хотиржам қилди. Ҳарбий округдаги саёҳат биз доим қатъий тартибу, интизом ва шафқатсиз ҳаёт ҳукми суради деб ўйлаганимиз – ҳарбий хизмат ҳақидаги фикрларимизни остин-устун қилиб юборди.

– Ҳар бир инсон, ҳатто ҳарбий бўлиш учун барча текширувлардан ўтиб, унга ҳар томонлама муносиб деб топилган киши ҳам стресс ҳолатидан ҳимояланмаган, – дейди ҳарбий психолог Жамшид Ҳабибов. – Мамлакатимиз раҳбари қарори билан ташкил этилган мазкур штатлар ҳар бир қисмда бор ва улар учун тегишли хоналар ҳам



«Салом, она, онажон салом!» сўзлари билан айтиладиган кўшиқ ҳамоҳанглигида Бухорода хизмат бурчини ўтаётган аскарлар қўлда гул билан залга кириб келганда кўнглилардаги ҳаяжон кўздаги севинч ёшларига айланди.

ҳаяжонини яширолмади фикрини билдирди тойлоқлик Хонтой Назарова. — Ҳозир аскарлар катта казарма эмас, бир хонада тўрт каравот қўйилган, озода, ёруғ хоналарда ухлашар экан. Тўғриси, гарчи ўғлим шу ерда хизмат қилмаса-да, аммо уни кўргандай бўлдим.

Кейинги бекат - «сюрприз»

Ҳарбий қисмдаги оналарга кўрсатиш учун мўлжалланган кейинги «бекат» анжуманлар хонасида қўйилмаган совға кутаётганини улар билишмаган эди. Марказий ҳарбий округ кўмондони А. Саидов барча иштирокчиларни 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этар экан, юртимизда ҳарбийлар, аскарлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳусусида тўхталиб ўтди. Марказий ҳарбий округга қарашли Фориш, Каттакўрғон полигонидеги замонавий иншоотлар, шарт-шароитлар катта экран орқали оналарга намойиш этилди. Нафақат ушбу округ, балки мамлакатимиздаги барча ҳарбий қисмларда худди шундай, бир хил муҳит яратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Салом, она, онажон салом!» сўзлари билан айтиладиган кўшиқ ҳамоҳанглигида Бухорода хизмат бурчини ўтаётган аскарлар қўлда гул билан залга кириб келганда кўнглилардаги ҳаяжон кўздаги севинч ёшларига айланди.

Оналар қўйилмаган совгадан боши осмонга етгудай бўлиб, бўй-басти, қадди анча улғайиб қолган фарзандини бағрига босди.

– Болам бир йил ичида шунчалик улғайиб, қадди-басти, фикри тўлишиб қолишини ҳеч кутмагандим, – дейди Кўшрабоннинг Хонназар маҳалласидан келган Бўстон Маҳкамова. – Оналарни чақиришганда, бўлгуси келинимни ҳам таваккал олиб келгандим. Қаранг, тўғри қилибман.

А ёлнинг ёнидаги уялиқираб турган қиз ҳарбий бўлиш истагидаги йигитга турмушга чиқишдан фахрланишини айта олди, холос.

Иштихонлик Зоҳид Хўжаёров туғилгани кунда онаси билан учрашув энг катта совға бўлганини айтса, тойлоқлик Шоҳжаҳон Абдураззоқов «Она, тобингиз қочмасин...» дея шеър ўқиди.

Кўмондон А. Саидовнинг аскарларни бир суткага ота-онасининг дийдорлашуви учун руҳсат бериши эса ажойиб совға бўлди.

Дарвоқе... Марказий ҳарбий округни айланиш жараёнида у ерда айна пайтда мамлакатимизда эълон қилинган ватанпарварлик ойлиги доирасида мактаб ўқувчиларининг ҳам ҳарбий қисмдаги муҳит билан танишаётганига гувоҳ бўлдик.

**Гулруҳ МҶМИНОВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ**
(фото).



улуғ оналарнинг ҳам эътиборини тортиб, бир неча дақиқага бўлса-да, ўзларини қўлида қурол ушлаган аскар ролини бажариб кўришга имкон берди. Панорамали амалий ўқ отиш зали аскарлар катта полигонларга чиқиш олдидан қурол ушлаб, уни қўллаб кўриш имконини берувчи хона экан.

Рухий зўриқишларни энгиш учун...

жиҳозланган. Хонада аскарни стрессдан чиқариш учун турли буюмлар, аквариум, ўз уйдаги каби ўзбекона бурчак, шахмат-шашка ва бошқа жиҳозлар билан безатилган. Яши биласиз, ҳарбий ҳаёт, шу жумладан, хизмат ҳам қатъий тартиб, интизом ва баъзида ойлаб полигондаги чиникишлардан иборат. Бу ҳолат баъзи аскарларнинг руҳиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай ҳолга тушган

аскар, ҳарбийлар билан суҳбат олиб борилади, уларга тегишлича йўл-йўриқ кўрсатилади.

Аскарларнинг ётоқхонаси, ошхонаси билан танишган оналар ўғлонлар учун яратилган шарт-шароитлар инсонийликнинг барча талабларига жавоб беришидан мамнун бўлишди.

– Турмуш ўртоғим ҳарбийга борганда эрталаблари гугурт чўпи ёниб ўчгунча кийиниб олишим керак, дерди, — дея

VATAN OSTONADAN BOSHLANADI

Сергели туманидаги 6-мактабда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар кўриқлайди Ватанни» номли тантанали тадбир ва ўқувчилар томонидан қилинган расмлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Унда Сергели туман халқ таълими бўлиmidан масъул ходимлар, мактаб маъмурияти, ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг оталари қатнашди.

– Ватан ҳимоячилари бор экан сиз-у биз бемалол юрибмиз, кўнглимизда хавотир деган нарсанинг ўзи йўқ, — деди мактаб директори Дилором Эшмамова. — Илоҳим, бу саодат мангуликка дахлдор бўлсин.

Маънавият ва маърифат ишлар бўйича директор ўринбосари Маъсума Юсупова ҳам сўзга чиқиб, Ватанни мадҳ



этувчи иншолари, деворий газеталар, шеърлар ёзган ўқувчиларни фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Тадбир давомида мактабнинг 2 «Б» синф ўқувчилари томонидан бадиий композиция, саҳна кўринишлари, Ватани улуғловчи оммавий рақслар ва аскарларга бағишланган шеърлардан намуналар ўқилди. Учрашув мазмунли ва қизиқарли руҳда ўтди. Тадбир сўнгидеги ўқувчилар оталарига ўз совғаларини ҳам улашди.

**Роҳила АСПАЕВА,
Сергели туманидаги 6-мактаб
ўқитувчиси.**

YIGIT OMON BO'LSA, QO'RG'ON SALOMAT



Оила – муқаддас кўрган. Ҳарбийлик касби ва уларнинг оиласи бошқа соҳа вакиллари оилаларидан тартиб интизоми билан ажралиб туради. Ҳарбий хизматчилар кеча-ю кундуз (зарурат туғилганда, ҳафталаб, ойлаб) Ватан химояси йўлида хизмат олиб боришади. Ҳар қандай вазиятларда саф олдида туриб, Ватан учун курашга шай туришади. Хизмат турлари билан боғлиқ ҳолатларнинг кўплиги ва уларнинг асосий вақтлари ўз оиласидан йироқдалиги оиланинг ўзига хослигидан биридри. Шунинг учун ҳарбийлар оиласидаги муносабатлар барқарорлиги ҳарбий хизматчи учун жуда ҳам зарур ҳисобланади.

БОШ АРАВА ҚАЕРГА ЮРСА,
ҒИЛДИРАКЛАР ҲАМ
ОРТИДАН БОРАДИ

Ана шундай шарафли ва масъулиятли касб эгаларидан Саломовлар оиласида тўрт нафар фарзанд ҳам ҳарбий лавозимларда ватанимиз шарафини муносиб химоя қилиб келишмоқда. Бу оила Фарғона вилоятининг Богдоқ туманидаги "Истиқлол" маҳалласида истиқомат қилишади. Хонадон соҳиби Шерназар ота билан Зухраҳон аялар фарзандларини Ватан химоячиси этиб вояга етказишди. Тўрт ака-ука болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қилишарди, астойдил мақсад сари қўйган қадами ниятларига етиштирди. Биз бу оилادا меҳмон бўлдик.

Зухраҳон аянинг нур ёғилиб турган чеҳрасига разм соларканман, юзларига ажин тушган, сочларига оқ оралаган. Ниҳоҳларидан фарзандларининг мард ўғлон этиб тарбиялаб вояга етказганлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида, она юрт тинчлиги ва келажаги учун ҳаётини бағишлаб, фахр-ифтихор туйғуси билан яшаётганлигини ўқиш мумкин. Кўзларидеа севинч ёшлари қалқиганини, дилида эса шукроналик ҳисси жўш ураётганини англайман. Ая гап бошлади:

– Маҳалладагилар болаларимнинг юришларига, кийинишига ҳам ҳавас қилишарди. Уйимиздан дўстлари ари-масди. Улар болалигида ҳарбийча кийим кийишиб, аскарлардек шахдам қадам ташлашни машқ қилишарди.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари рост. Раҳматли отам бир умр турли ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Доим дастурхон атрофида жамулжам ўтирардик. Овқатни кимдир чалпиллатиб эса, отам: "Ким у, мушук келиб қолибдими", – деб кўярди. Бу биринча жумла бизга етиб ортарди. Отамнинг ёнида ҳаттоки бир-биримизга овозимизни баландлатиб ҳам гапиролмасдик.

Байрамларда, муҳим саналарда ҳар биримизга бир дондан, албатта дастхат битилган, китоб соғна қилинарди. Эсимда отам туғилган кунимда Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тулпар" романини соғна қилганиди. Мен шу китобни дарсликлардан кўра, қайта-қайта ўқиб чиққанымдан сўнг Бобур шахсини янаям яхши таниганман. Ҳали мактабга ҳам бормас эдим, 1979-йиллар эди чамаси, радио орқали эфирга аввал эртақ, сўнг алла эшиттириларди. Биз эса ўтириб тинлардик. Тугагач, тушунганимизни бир



Баъзида бир-бирига ҳарбийча му-рожаат ва мулозаматда бўлишарди. Отаси билан четдан кузатиб туриб уларнинг албатта, шу соҳадан кетишлари учун имкон яратиб беришга ҳаракат қилдик. Тўнғичим Зафаржон бу соҳани танлаганидан сўнг укалари ҳам ортидан эргашди. Фарзанд ҳар қанча улғаймасин, она учун ҳамиша болали-гича қолаверади. Бошқалар қатори мен ҳам бу туйғуни ўзимда доим ҳис эта-ман. Ўғилларимни ҳар гал ҳарбийлар либосида кўрганимда, мана шундай суҳбатларда улар ҳақида гапирганимда, қалбимдаги туйғулар фахр-ифтихор, ишонч, кўнгили хотиржамлиги билан уйғунлашиб кетади. Шунда беихтиёр энди менинг фарзандларим ёш бола

эмас – мусаффо осмонимиз, жаннат-мафрон диёримиз, фаровон ҳаётимиз химоячиси, дейман фахр билан ўзимга ўзим. Қалбим ғурурга тўлади.

Бугун бош фарзанд Зафаржон Саломов майор лавозимда Тошкент шаҳрида ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари Қўмондонлиги базасида штаб бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда. Унга 2 на-фар фарзанди учун Тошкент шаҳридан ҳукуматимиз томонидан уй ажратил-ди. Абдуназар эса Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда десантчилар взводида гуруҳ командири вазифасида хизмат вазифасини ўтаб келмоқда. Шохназар Самарқанд шаҳрида Миллий гвардия кўшинлари сафида катта сержант вази-фасида, кенжа ўғил Соҳибназар Транс-порт вазириликда масъул лавозимда фаолият кўрсатмоқда.

"ҲАРБИЙГА ТУРМУШГА
ЧИҚСАНГ АЛБАТТА, ЖАМА-
ДОНИНГНИ ТАХТ ҚИЛИБ ЮРИ-
ШИНГ ШАРТ"

ни талаб қилади. Бу борада Шохназар Саломовнинг рафиқаси Зумрадхон Саломованинг фикрларидан мисол келтираймиз.

— Ҳарбий кийим кийганларга бошқача ҳавас билан қарардим, — дейди Зум-радхон. — Бугун эса ана шундай инсон билан турмуш кечиравганимдан, мана шу хонадонга келин бўлиб тушганимдан фахрланаман. Турмуш ўртоғим Миллий гвардия кўшинлари сафида катта сержант вазифасида хизмат қилади. Улар-нинг иши юзасидан мана неча йилдирик, Самарқанд шаҳрида яшаймиз. Мен кўҳна ва ҳамиша навқирон, қадим тарихга бой шаҳарда яшаётганимдан жудаям мам-нунман. Ота-онамиз, яқинларимизни соғинамиз. Ҳарбийларнинг аёлларига ҳам кийин. Чунки хизмат юзасидан шаҳарма шаҳар, вилоятма вилоят яшашига тўғри келади. Айтишадику "Ҳарбийга турмушга чиқсанг, албатта, жамадонингни тахт қилиб юришинг шарт" деб. Ҳар гал Қўқонга борсак, албатта турмуш ўртоғим билим олган мактабга кириб ўтиб, устозларини зиёрат қиламиз. У кишининг расмлари мактабда фахрий инсонлар қаторидан жой олган. Бу ҳолат фарзандларимга ҳам ижобий таъсир қилади, чунки отасининг суратларидан фахрланиши билан бирга, масъулиятни ҳис қилиб, улар ҳам яхши ўқишга ҳаракат қилишади. Фарзандларимни ҳам отаси-дай мард, жасур, Ватанимизга муносиб инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламан.

ҲАРБИЙ ИНСОННИНГ
РАФИҚАСИ БЎЛИШ ҲАМ
ҚИЙИН

Суҳбатимизга Шохназар ака ҳам қўшилади.

— Кўп ҳолларда хизмат туғайли фарзандларим тарбиясига вақт ажра-толмай қоламан. Лекин бир нарсадан доим кўнглим вўқ; уларнинг ёнида меҳрибон, таъти келса қаттиққўл, талабчан онаси бор. Мен унинг фи-ддойлигини қадрлайман. Аёлим она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлгани боис, фарзандларимизнинг китоб мутолаасига жиддий эътибор қаратади. Бола тарбияси билан бир-га турли тўғарақларга олиб бориб, ўлашатиришни, ҳаттоки, телевизордан нималарни томоша қилишига ҳам назорат қилади. Болаларимга рафиқанинг бундай эътибори, ғамхўрлиги туғайли аҳил иноқ яшаймиз. Ота-онам, турмуш ўртоғим, фарзандларимнинг муҳаббати мени доим олға интилишга, янада жа-сур бўлишга ундайди.

Чарос ДЎСТМАТОВА.

QAYERDA XATO QILDIK?

биримизга сўзлаб берардик. Охирида отам хулосавий фикр билан яқунларди. Энди билсам булар ҳаммаси оиладаги тарбия дарслари экан.

Отамнинг жуда катта кутубхонаси бор эди. Баҳор кунлари ҳовлига стул чиқариб китоб ўқиб ўтирарди. Отам онамни, ҳатто фарзандларини сизлаб гапирарди. Энди ўйласам бу ҳаёт экан, отажоним ёзиб қолдирган улкан мерос, буюк китоб экан. Бугун биз бу китобни фарзандларимизга ўқиб бермоқдамиз.

Баъзида фарзандларимга қараб хаёл сураман. Улар бошқача фикрлай-диган болалар бўлиб ўсишмоқда. Худ-дики, ақли бўлиб туғилиб қолгандай. Техника асридай тезкор замонда фарзандларимизни ёт гоёлар гўё ўзига маҳлиё қилиб кўяётгандай. Дарсга телефон мумкин эмасдее таъқиқлаша

қарамай, бу иллат авж олса, ўқитувчи болани айби учун даки берса ота-она-си жанжал қилиб келса, бу нимани бил-диради? Аввал ўқитувчини айбладик. Ахир, ўзимиз эмасми ўқитувчи? Энди ота-онани айблаямиз. Ахир, ўзимиз эмасми ота-она? Боланинг беғонаси бўлмайди, дейишади. Бу нимани бил-диради? Фақат ўқув масканида дарс берадиган ўқитувчи эмас, балки ҳаётда ҳаммамиз ўқитувчи эмасмизми? Биз тарбияда қаерда адашганимизни, асл хатоийимизни тополмаяпмиз, чамамда.

Қизлар тарбиясида онанинг роли катта дейишади. Ахир оналаримизнинг сўзи ўтмаса айбни кимдан қидириш керак? Боладаним, онаданми? Ўқувчи-ийгит синфдошини ёқтириб қолса, қалбига озор берадиган даражада даки бера-миз. Уни тушуниш, тўри йўл кўрсатиш

Mulohaza

кераклигини ўйламаймиз. Баъзан, ахир бу кўнгили иши, уни мажбурлаб қайтариб бўлмаслигини билсақда, уларга тушу-н-тиролмаймиз. Натижада бунинг ортидан кўнгилисиз ҳолатлар, ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишгача бўлган ҳолат юз берса, биз буни касалликка йўйиб қўяолмасиз. Ахир, сал аввал унга керак вақтда нега йўқ дедик, тўғри йўлни кўрсатмадик деб ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Биз фарзандларимиз билан айтолмайдиган сири қолмайдиган даражада маънан яқин бўлишимиз керак. Ўсмир ёшида улар билан худди яқин ўртоқдек муносабатда бўлишимиз тарбия бобида анча енгилликлар яратаяди. Чунки бу жараёни ўзимиз ҳам бошимиздан кечирганимизни, болалик, ўсмирлик йил-ларимизни бир дам хотирласак, барчаси ойдинлашади.

Ўғиллой МАМАТҚУЛОВА,
Жиззах давлат педагогика ин-
ституту академик лицейи она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Йил остонасида бир-биримизга улашаётган янгиликларимизнинг барчаси ҳам қувонарли эмас. Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда барча нашриёт ходимлари ва зиёлиларни, умуман, маънавиятга, маърифатга фарқ бўлмаган ҳар бир инсонни безовта қиладиган – янги солиқ кодекси билан боғлиқ мулоҳазаларнинг кети узилмаяпти. Хўш, нашриётлар ва китоб савдоси учун тўланадиган 15 фоизли ҚҚС келгусида бизни қандай муаммоларга дучор қилиши мумкин? Ёки бунинг ижобий томонлари ҳам борми? Саҳифамиз орқали ушбу саволларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

ЕЛКАСИДАН НАФАС ОЛАЁТГАН СОҲА

– Китоб учун ёмон кунлар бошланяпти, – дейди “Академнашр” нашриёти бош директори Санжар Назар биз билан суҳбатда. – Матбаа, нашриёт ва китоб савдоси хизматлари учун 15 фоиз микдорда ҚҚС тўланадиган бўлди. Нашр учун зарур хом ашёлар: қоғоз, бўёқ ва бошқа керакли маҳсулотлар учун олдин ҳам ҚҚС тўланар эди. Корхоналарнинг даромад солиғи микдори 12 фоиздан 15 фоизга ошди. Аҳолининг тўлов қобилияти, харид қуввати ошиши мумкинлигига ҳатто бирон ишора ҳам кўринмаётган бир шароитда бу ўзгаришларнинг оқибатини тасаввур қилишни ҳам хоҳламастим. Шундоғам зўра елкасидан нафас олиб турган соҳа бу қийинчиликлардан сўнг – семимли файласуфимиз таъбири билан айтилганда – ўлмас, аниқ кучлироқ бўлиб қад ростлайди. Балки янги Ўзбекистон китобсиз мамлакат бўлиши керакдир?!

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ ҲАМ БОР

– Йўқ, менимча, яхши китоблар босилган ва босилаверади, минглаб ҳали ўқимаган яхши китобларимиз бор, ўшаларни ўқиб турсак ҳам бўлади, – дейди халқаро адабий лойиҳалар муаллифи, фаол ижодкорларимиздан бири Аъзам Обид. – Балки бу номаъқул янгиликнинг яхши томонини янги ўйлашимиз керакдир. Масалан, бемаза китоблар камроқ чиқади. Китоб сотиб ололмасак, кутубхоналар салгина одам келадиган жойга айланади. Яхши ёзувчи-шоирлар китобхонлиқни тарғиб қилишнинг илгорроқ йўллари йўлайди, масалан, ҳеч йўқ уйига, ишига яқин кутубхоналардаги учрашувларга, мулоқотларга очилади. Мен ҳоҳида имконин бўлиб туриб, босма китобимни чиқармайман. Сайтимдаги онлайн китоблар етарли, деб юргандим, бу йил фикримни ўзгаришиб, 4-5 томли китоб чиқаришим мумкин.

ХАВОТИРЛАРИМ ОШИБ БОРМОҚДА
– Китобнинг қимматлаши ҳақида ноширлар ижтимоий тармоқларда билдираётган хавотирларни ўқиб одамнинг юраги эзилади, – дейди таниқли шоир oilavajamiyat@mail.ru

KITOB NASHRI UCHUN IMTIYOZ BO'LDIMI?



Фахриддин Низомов. — Қаерга қараб кетаямиз?

Бундан 10-12 йиллар олдин бир ношир акаимиз, Ўзбекистонда бир йилда, бор-йўғи, 3 минг номда, Қозоғистонда 30 минг номда, Россияда эса 120 минг номда китоб чиқади, деб алам билан гапирган эди. Агар одам бошига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотни солиштирсак ҳам, тахминан, шунақа манзара ҳосил бўлади. Демак, аҳолининг китобхонлиги – саводхонлиги билан ЯИМ ўсиши ўртасида бевосита боғлиқлик бор.

Хусусий монополист компанияларга берилётган имтиёзлар кимнингдир бойишига хизмат қилар, лекин оддий халққа қанчалик фойдаси бор?

Бу ака-укаларимизнинг Россияга бориб, қурилиши, чўққачилик фермасида ишлаб, бир тийин ололмай алданиб қолишига ёки скинхедлар калтагидан, ана, боринги, ўзимизда хавфсизлик техникаси нима экани билмай, метро қурилишида ўлиб кетишига, сайловда орқа-олдига қараб ўтирмай, барча қариндошлари номидан бюллетенларни сайлов қутисига ташлашига сабаб бўлади. Аслида баъзи ҳоқимларга шунақа ўқимаган, саводсиз сайловчилар керак – нима деса кўниб кетаверади. Сайловчи, кузатувчи ҳаққини талаб қилмагандан кейин улар ўзи истаган номдодини ўтказиб олаверади ва бил-

ташланганида шундай жавоб берди:

“Биз солиқ кодексини ишлаб чиқишда хорижлик мутахассислар билан суҳбатлашдик. Уларнинг жавоби шу бўлдики, агарда бундай имтиёزلарни назарда тутиш лозим бўлса, улар давлат бюджетидан рағбатлантирилиши (субсидия олиши) мақсада мувофиқ.”

Қўмита раиси 1-ўринбосарининг фикрларидан англашилмоқдаки, маърифат улашувчи маҳсулотлар солиққа тортилиш борасида ҳозирча умумий қозонда. Ва, бу янги тенденция худди аввалгилари каби айнан шу бўйича Президент қарори қабул қилинмас экан ўз кучида тураверади. Ҳар ҳолда дастлабки хулоса шунга қараб кетаяпти.

Шу ўринда босма нашрларга бериладиган преференция ва имтиёзлар ҳақида хориж тажрибасидан мисоллар келтириб ўтмоқчиман:

Аргентинада савдо ва маҳсулотлар савдосига қўйиладиган солиқ (IVA) стандарт ставкаси 21 фоизни ташкил қилади.

Бирок газета ва рақамли нашриётлар имтиёзли ставкада солиққа тортилади, уларнинг микдори компаниянинг йиллик айланмасига боғлиқ. Масалан, 63 миллион песогача бўлса 2,5 фоиз, 126 миллионга бўлса 5 фоиз, ундан ортиб кетса 10,5 фоиз. Билвосита ёрдамга келсак, давлат почта хизмати (Correo Oficial) ва Аргентина газеталар уюшмаси (ADEPA) ўртасида махсус келишув мавжуд. Расмий тарифдан 100 грамм оғирлиқдаги газета нусхалари учун 33 фоиз, ундан кўп бўлса 20 фоиз чегирма берилади.

АҚШда газета ва журналларга бевосита ва билвосита имтиёзлар бериш амалиёти мавжуд эмас. Аммо АҚШ почта хизматлари нашрларнинг маданий, адабий ва таълимий қийматини тарғиб қилишга мажбур, шунинг учун почта хизматлари даврий нашрларни тарқатишда имтиёзли нархларни таклиф қилади. Яъни, Америкада почта хизмати чакана савдодан арзон. Бу амалиёт федерал бюджетдан молиялаштирилади. Почта орқали етказиб бериш тезлигининг юқорилиги нашрларнинг ўз аудиторияси ва тиражларини сақлаб қолишига ёрдам беради.

Очиғи, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо шу жойга келганда қисқача хулоса қилсак. Бизда солиқ борасида бундай субсидиялар борми? Ҳа, бор эди. Унга кўра, 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Президент қарорига асосан оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар

адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (қўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солигини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўлашдан беш йилга озод қилинган. 2017 йилда эса мuddат яна икки йилга чўзилиб, шу йил 1 январдан эътиборан бекор бўлди. Аини пайтда молиявий ночорликни бошдан кечираётган тахририятлар кўплигини инобатга олиб, бу ҳақда ўйлаб кўриш, нашрлар иқтисодий аҳолини тиклаб олгунча қисқа мuddатли имтиёз бериш вақти келмадимикан? Ёки “Ўзбекистон почтаси” шу пайтгача босма нашрларга юқоридида кўрсатилганидек тариф ва имтиёзлар таклиф қилганми? Буни-ку қўятуринг, “Матбуот тарқатувчи”дан обуна пулини ололмай юрган тахририятлар қанча?..

ЁШЛАРИНГ ҚИЗКИШИ ЭНДИ ОШГАНДИ-Я...

Мавзу борасида ижтимоий тармоқларда билдирилаётган қисқача мулоҳазаларни ҳам эътиборингизга ҳавола қилишни маъқул деб билдик:

Раҳимжон Раҳмат, таниқли адабиётшунос:

– Асли шундоқ ҳам кейинги пайтда китоб нархи анча қимматлашди, агар яна ошса китоб харид қиладиганлар сони янаям камаяди. Китоб нашрига имтиёз бериш зарур! Айниқса, ёшлар орасида китоб ўқишга қизиқиш анчайин пасайган ҳозирги даврда китоб нархи ошмагани мантиқан тўғри бўларди!

Бариқ Султонова, журналист:

– Ҳақиқий истеъдодли ижодкорларнинг аксарияти моддий томондан бақувват бўлмади. Бемаза китоблар чиқарадиганларда эса айнан пули кўплиги учун ҳам китоб чиқаришга қизиқади. Масалан, мен китоб чиқаришга китобим арзийдими деган саволни бериб ҳам вақтимни ўтказиб юбордим. Кейин маблағ масаласи ҳар доим кўндалан туради. Демокриманки, бу барибир, яхши китобларнинг нашр қилиниши учун зарба.

Муслимаҳон Шермухамедова, ўқувчи:

– Эндигина тенгдошларимнинг китобга бўлган қизиқиши ошиб бораётгани-я. Мен ҳам “Ёш китобхон” танловига астойдил тайёргарлик кўраётган эдим. Кутубхоналардан топа олмаётган китобларимни бувим нафақасига шахар марказидаги китоб дўконларидан топиб келаётган эди. Китоблар ошиб кетса, бувимга қандай илтимос қиламан?!

ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ... ЭМАС, БУТУН БЎЛСИН!

Ижтимоий тармоқда қўзатаётган чоғимда бир маълумотга кўзим тушиб қолди: Нью Йоркнинг Бруклиндаги дўконларида жаҳон адабиёти ҳазинасига киритилган машхур ёзувчиларнинг асарлари 1 доллардан сотиляпти. Улар инглиз, француз, испан ва рус тилларида чоп этилган. Мана сизга китоб бора-сидиғи энг яхши янгиликлардан бири...

Умид қиламизки, 2020 йил китоб нашри борасида белгиланган имтиёзлари билан ҳам тарихда қолади. Бу умидимиз хайрли ва эзгу нијатимиз бутун бўлиши учун барчамиз бирдек миллатимиз тақдирини, маърифатини ва маънавиятини ҳақида қайгура олсак, бас!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА



ган номаъқулчилигини қилаверади.

Улар билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг барчаси халқимизнинг китоб ўқимаслиги ва ўз ҳуқуқини яхши билмаслиги сабабли юз бермаяптими?

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

– Адлия вазирлиги “Қонунчиликдаги янгиликлар” доирасида Солиқ қўмитаси мутасаддилари иштирокида брифинг ўтказди, – дейди журналист Аслиддин Алмардонов. – Унда қўмита раиси биринчи ўринбосари Мубин Мирзаевага аини шу муаммоли масала ўртага

MENI KECHIRING, BOLAJONLARIM!

yoхud mehribonlik uyidagi o'g'rilik

– Олиб келган нарсаларингни қайтариб ташлаб кел. Менга етимларнинг ҳаққи керак эмас. Одил Гулноранинг қўлидаги сумкани жаҳл билан тортқилаб олди. Елим сумка йиртилиб, ичидаги сариеғ, гўшт, ширинликлар ерга тўкилди.

– Нега унақа қиласиз-а, дадаси? Ахир етимхонага ҳар хил одамлар келиб, хайр-эҳсон қилиб кетади. Егулик кўплицдан музлаткичнинг эшиги ёпишмай қолди. Шунга ошхонадагилар оз-оздан бўлишиб олдиқ, – деди Гулнора ердаги ширинликларни битта-биттадан териб оларкан.

– Бу етимларнинг ризқи. Бугун эрта, тугасин, дегани эмас. Сенларни қўлларингни болта билан чопиш керак. Шунда ўғирлик қилишдан олдин ўйлайсан. Бор, дедим, сенга, қаердан олган бўлсанг, ўша ерга ташлаб кел, ўшқирди Одил хотинига қўлини пахса қилиб.

– Ахир дадаси, қандай қилиб қайтариб олиб бораман.

– Мен буни билмайман. Илгари ҳам сенга кўп бора айтганман.

Гулнора эрининг кўнгли учун уйдан сумкадаги егуликларни кўтариб чиқиб кетди-ю, муолишдаги дўконга кириб, таниш сотувчига арзон нархга пуллади. Пулни чўнтакка уриб, бироз кўрсатмай айланиб юриб, сўнг уйга қайтди.

Гулнорани сумкаси кўрган Одилнинг кўнгли хотиржам торти. Елкасидан бир юк ағдарилгандек бўлди.

Одилнинг болалиги оғир кечган. Ун ёшга етганида онаси оғир касаллик туфайли оламдан ўтиб, отаси бошқа аёлга ўйланиб, қорасини кўрсатмай кетди. Уч бола қариндошларнинг қўлида сарсон-саргардон қолишди. Қариндош-уруғлар болаларни бир-бирларига ошириб, олти ойгача қараб туришди. Ҳар кимларнинг эшигида саргайиб юрган гўдакларнинг тақдирини ҳақда қайғурган маҳалла оқсоқоли Ёрмат ота болаларнинг тақдирини ҳал қилишга киришди.

Бир неча йилдан буён бефарзанд яшаётган эр-хотиннинг дарвозасини бориб тақиллатишга мажбур бўлди.

– Шу болаларни кўнгли ўксимасин, ўз қарамоқларинга олсаларинг,

хужжатларни тўғрилашга ўзимиз ёрдам берамиз. Савоиб ишга кўл урсаларинг, худойим сизларга ҳам фарзанд бериб қолармиди, – деди оқсоқол аёлга умид билан юзланиб. Ахир оз эмас, кўп эмас ўн тўрт йилдан буён фарзанд кутаёсизлар. Зора...

– Етим бола боқсанг оғзи бурнинг қон бўлар, етим кўзи боқсанг оғзи бурнинг мой бўлар, деган мақол биздақалар учун топиб айтилган, – деди оила бошлиғи раиснинг сўзларини бўлиб. Ҳозир бу болалар меҳр ва эътиборга муҳтож. Аммо кун келиб улғайгач, кўзлари очилиб, ўз отасини излаб топади. Биз эса сарфлаган маблағимизга қуйиб қолаверамиз. Ундан кўра кутганимиз афзал. Ўзимизга бериб қолар...

– Майли, ноумид бўлманглр. Оқсоқол шундай, дея умидсиз холда маҳалла биносига қайтди. Болаларнинг тоға ҳамда аммаларини йиғиб, мажлис ўтказди. Ота-доболаримиз ҳаётдан турли мисоллар, панд-насихатлар келтириб айтиб ўтди. Бир болага етти маҳалла ота-она, сизлар бегона эмассизлар, ўз жигарларинг. Марҳум аёл опангиз, синглингиз бўлса, ношуд ота акангиз ёки укангиз бўлади. Катталарини меҳрибонлик уйига жойлаймиз. Ҳеч бўлмаса кенжатоғи гўдакни бирор-таларинг боқиб олинглар. Ҳали у жуда кичкина, она меҳрига зор, – деди қариндошларни инсофга чақириб. Ҳамма бошини эгиб, бир нуқтага термулиб, жимгина ўтираверди. Оқсоқолнинг барча ялинишу, уринишлари бефойда кетди.

Болаларни васийлигига оладиган одам топилмагач, маҳалла фаоллари кенгашиб, уларни меҳрибонлик уйига топширишди. Ушанда Одилнинг кенжатоғи укаси Ориф бир ярим яшар гўдақ эди. Ака-сингилларни ёшларига қараб турли хоналарга жойлаштиришди. Одил тарбиячиларга синглим ва укам билан бир хонага жойлашайлик, деб ялинди, бу мумкин эмас, дейишди. Одил ҳар куни укасидан хабар олгани кириб туради. Янги келган энага унга Орифнинг ёнига киришни тақилаб қўйди. Саломат исмли ўрта ёшли бу аёл жуда баджаҳл, сал нарсага асабийлашиб кетадиган одати бор экан. Одил ҳар куни ойнадан мўралаб, укасини кўриб кетадиган бўлди. Бир куни...

Ушанда қиш фасли эди. Укасининг йиғи овозини эшитиб Одил ҳовлига

югуриб чиқди. Не кўз билан кўрсинки, иштонсиз, яланғоч Орифни Саломат муздек краннинг тагига ташлаб қўйиб, ўзи хонасига кириб кетибди. Крандаги сув вишиллаб оқиб, боланинг ҳамма ёғини шалаббо қилар, сувдан кўрққан Ориф чириллаб йиғларди. Одил югуриб бориб укасини кучоқлаб, курткасига ўраб олди.

– Ҳай, ҳай, ҳай, яна югуриб чиқдингми. Уканг, иштонига катта иш бажариб қўйибди. Хоналарни хиди тутиб кетмасин, деб ташқарида ювдим. Бер тоза иштонини кийдириб қўяй.

Одил укасини бағридан қўйиб юбормади. Саломат ваҳожат билан болани тортар, Одил бермайман, деб дод соларди. Ҳовлидаги бақирчақирни эшитган директор чиқиб, воқеани кўрди-ю Саломатни кўлидан судраб, дарвозадан улоқтирди.

– Сендек махлуқни ишга олган мен аҳмоқман. Йўқол, кўзимга кўринма! Илойим тирноққа зор бўлиб ўтгин.

Ўша воқеадан кейин Орифнинг ўпкаси қаттиқ шамоллаб қолди. Бола бу дардни кўтара олмади. Укасининг вафотидан сўнг Одил одамови бўлиб қолди. Ҳеч ким билан гаплашмас, болаларга қўшилмас, фақат сурат чизарди. У ота-онаси билан бахтиёр яшаган кунларни хотирлаб сурат чизади ва ёстигининг тагига беркитиб қўяди. Айниқса, укасини кўтариб турган онасини суратини чизишдан ҳеч ҳам эринмайди.

воқеа хотирасидан ўчмайди. Одил газета ёки китоб ўқиса ҳам, телевизор кўрса ҳам укасининг сиймоси хотирасида гавдаланаверади. Одил уйланиб, оила кўрди, иккита фарзандли бўлди. Болаларни жонидан ортиқ кўради. У бегоналарнинг болаларини ҳам яхши кўради. Ўз болаларини қандай асраб-авайласа бошқаларнинг болаларини ҳам худди шундай авайлайди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Одилнинг хотини болалар уйининг ошхонасига ошпаз бўлиб ишга жойлашгач, хотиржамлиги йўқолди. Гулнора кунора сумкасини тўлдириб, болаларнинг насибаларидан олиб келадиган одат чиқарди. Бугунги жанжал ҳам яна ўғирланган сариеғу қаймоқдан чиқди... Гулноранинг ҳам қўли анчагина

олғирликка келишиб қолди. Бир кун сариеғдан кесиб олса, иккинчи куни гўштининг лаҳм жойидан уриб қолади. Гречка қимматлашган йили бозори анча чаққон бўлиб қолганди, бу йили картошқадан яхшигина даромад қилди. Эрининг жанжал кўтаришидан чўчиган Гулнора ошхонадан ўмарган нарсаларини опасига олиб бориб беради. Опаси уни қўшни аёлларга пуллади. Опа-сингилларнинг бизнеси гуллаб-яшнаётган кунлар Гулнора кўлга тушиб қолди. Болалар уйининг директори Маҳсума Набиевна хоналарни айланиб юриб, ошхонадаги стол устида қалпайиб турган елим сумкани кўриб, ошпазларни сўроққа тутди.

– Бу кимники?

– Ҳамма жим. Бир-бирига маъноли қарайди. Директорнинг барча қистовлари чиппака қикди. Ҳеч ким бир-бирини сотмади.

Уша воқеадан сўнг Маҳсума Набиевна ошхона ҳамда омборга яширин камера ўрнатди. Кўп ўтмай сир очилиб, ўғирларнинг кимлиги маълум бўлди. Гулнора билан унинг ошхонадаги шериги Саёхатга қаттиқ огоҳлантириш берилди.

– Бу огоҳлантириш ҳар иккисининг меҳнат дафтарчасига ҳам ёзиб қўйилсин. Улар ҳеч қачон гўдакларнинг ҳаққига кўз олайтирадиган жойга бориб ишломасин. Ўзларининг болалари оч қолиб, қийналсин, кейин бошқаларни тушунишади.

Гулнора билан Саёхатнинг тавба –тазаррулари ўтмади. Уларни ҳеч ким кечирмади. Ҳатто яратган ҳам. Гулнора ишдан бўшаганидан сўнг анчагача иш излади. Аммо ҳеч бир ташкилот унга эшигини очмади. Меҳнат дафтарчасини қўлига олган раҳбарлар унга хавотир ва ачиниш билан қараб қўйишарди.

Бир куни овқатланиб ўтириб Гулноранинг томоғига миттигина суяк парчаси текилиб қолди. Жон талвасасида нафас ололмай, гўжанак бўлиб ётган хотинининг озига Одил сув тутди, қаттиқ нон чайнатиб кўрди бўлмади. Кафти билан елкасига қаттиқ-қаттиқ уриб кўрди, фойдасиз. Шпателни озига солиб уёк бўёққа айлантди кўрди, суяк жойидан силжимади. Суяк парчаси томоқнинг энг нозик жойида туриб олиб уни минг қўйига ўйнатди. Сония сайин Гулноранинг мадори қуриб, холсизлана бошлади. Тез ёрдам машинасида келган шифокор уни шифохонага олиб кетди. Томоқдаги суяк парчаси операция йўли билан олиб ташланди. Гулнорани операция қилган жарроҳ кўзини очгач унга азоб берган суякчани кўрсатди.

– Мана шу суяк парчаси ҳаётингизни остин-устун қилиб юборди, синглим. Овқат еяётганда эҳтиёт бўлиб, шоммасдан чайнаш керак. Хўжайинингиз икки кундан буён шу ерда, менимча туз ҳам тоггани йўқ. Бечора сиздан роса хавотир олди.

Шу топда меҳрибонлик уйидаги болаларнинг касасидан ўмарган лаҳим-лаҳим гўштли Гулноранинг кўз олдига келиб кетди.

Кечиринглр, мени болажонларим! деди астагина пичирлаб. Чин кўнглидан, пушаймон бўлиб айтди. Буни фақат Одил эшитди.

Нигора РАҲМОНОВА

ЭЪЛОН

Тошкент вилоят Зангиота тумани "Ягона дарча" марказидан 12.01.2018 йилда 654739 рақами билан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Усманова Феруза Ёлбердиевнага тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабаб БЕКОР қилинади.

Тахририятимизга келган мак-тубларнинг бирида самарқандлик Дилноза Алимова шундай ёзади: "Кейинги пайтда уйимизда ғалати ишлар содир бўляпти. Бир кун эрталаб турсам, шкафимдаги кийимлар ноодатий ҳолда тахлаб қўйилган экан. Орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин яна ғалати бир ҳолатга гувоҳ бўлдим: ошхонада кимдир ҳамма жойни ун қилиб хамир қорибди. Эртаси кун эса ўғлимнинг дарс столи устида маҳорат билан чизилган сурат пайдо бўлди. Бу ишларни ким қилаётганини билмасдан бошимиз қотди. Турмуш ўртоғим ҳам, фарзандларим ҳам елкаларини қисиб юз бераётган ишлардан беҳабар эканликларини айтишди. Бироқ бу ишлар мени борган сари хавотирга сола бошлади. Шу боис турмуш ўртоғим билан уйқудан воз кечиб, кузатув ишларини олиб бордик. Не кўз билан кўрайликки, 12 ёшли ўғлим уйқусида хонама-хона кириб айланиб юрибди. Қўрқувдан юрагим ёрилай деди. Нима қилишни билмай шошиб қолдим. Исмини айтиб чақириб, уйғотишга ҳаракат қилдим. Бунга касаллик деб қараш керакми ёки ўтиб кетадиган бир ҳолатми, билмаймиз. Аслида ушбу касаллик қандай пайдо бўлади, хавфли эмасми, деган саволлар бизни безовта қила бошлади. Саҳифаларингиз орқали саволларимизга жавоб топишимизда ёрдам берсангиз."

Республика болалар ортопедияси маркази болалар невролог шифокори Сабоҳат Шомаҳмудова айнаи касаллик борасидаги саволларимизга шундай жавоб берди:

— Инсон ҳаётининг 25 фоиздан кам бўлмаган қисми уйқуда ўтади. Баъзи одамлар (кўпинча болалар) ширин тушлар кўриб, тетиклашиб дам олиш ўрнига, уйқусида юради, баъзан эса овқатланади ва турли одатий ишлар билан шуғулланади. Тиббиётда бу касалликнинг номи Сомнамбулизм деб аталади. Ушбу касаллик ярим уйқу ва ярим уйғоқлик фазасида юзага келади. Бундай вақтда одам гипнозга ўхшаган онг ўзгариши ҳолатида бўлади. Тери таъсирчанлиги пасаяди ёки йўқолади, баъзи ҳис-туйғу аъзоларининг фаолияти ва субъектнинг гипнозга мойиллиги кучаяди. Миядаги "уйқу маркази" тананинг уйқу ва уйғоқлик ҳолатини назорат қилаётиб, уйқу вақтида миянинг бир қисмини ҳамда маълум асабларни беркитиб қўяди. Одатда уйқу маркази ва тана бир-бири билан боғланган бўлсада, баъзан тескариси ҳам бўлади — мия ухлайди, тана эса уйғоқ қолади.

КАСАЛЛИК ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛАДИ?

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин: туғруқ жараёнида орттирилган травма, автохалокат оқибатида юзага келган бош мия жароҳатлари ёки мунтазам равишда асаб тизимига бериладиган турли зарбалар (асосан оилавий муҳитнинг ёмонлиги) оқибатида юзага келиши мумкин.

РУҲИЙ ХАСТАЛИК ЭМАС

Баъзи одамлар бу касалликка эътиборсизлик қилишади, шунинг учун ҳам унинг аслида қандай касаллик эканлигини, айнан нима сабабдан юзага келишини билишмайди. Сомнамбулизмни камдан-кам учрайдиган руҳий хасталик деб ҳисоблашади. Аслида эса бундай эмас. У асаб бузилишининг бир кўриниши ёки бош мия шикаст-

ОУПАРАСТЛИК ХАВФЛИ КАСАЛЛИКМИ?



ланишининг (туғма ёки орттирилган) оқибатидир. Олимларнинг тажрибалари натижасида маълум бўлдики, бу касаллик ирсий бўлиши ҳам мумкин. Яъни ота-онанинг ҳар иккиси ҳам сомнамбулизмдан азият чеккан бўлса, уларнинг фарзандларида ойпарастлик ривожланиши эҳтимоли 60 фоиз бўлиши мумкин.

ХАВФ НИМАДАН ИБОРАТ?

Ойпарастлик инсон учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди, дейиш жуда қийин. Ойпарастларнинг 25 фоизга яқини ўзига турли зарар етказиши мумкин. Ҳаттоки, деразадан тушиб

келиш ҳолатларини ҳам учратдим. Тажрибамдан келиб чиқиб айта оламаники, бу касалликнинг турли кўринишлари мавжуд. Кимдир уйқусида гапиради, кимдир йиғлаб дод солади, яна кимдир айтиб ўтганимиздек, уйқусида ҳаракатланади. Ана шундай ҳаракатланадиган одамлардан ҳамма нарсани куттиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу касалликни хавфли деб ҳисоблайман.

ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

Уйингизда ушбу касалликка чалинган бемор бўлса, албатта, хавфнинг олдини олишга шошилганингиз маъқул. Ўткир кесувчи ёки санчилувчи буюмларни чеккароққа олиб қўйиш, эшик-деразаларни беркитиш (юқори қаватларга панжара ўрнатиш) зарур. Ётоқ тепасига тинчлантирувчи гиёҳлар — ялпиз, лаванда аралашган хушбўй хид таратувчи халтачаларни илиб қўйиш ҳам айнаи муддао. Халқ таъбаотида ҳам бунинг олдини олиш чоралари кўп. Энг кенг тарқалган халқ усули ётоқ ёнига ҳўл латта ёки шолча тўшаб қўйиш. Ҳўл ва совуқ нарсани босган ойпараст уйғониб кетади.

ДАВОЛАШ ҚАЙ ДАРАЖАДА МУҲИМ?

Психотерапевт шифокор сифатида маслаҳат берган бўлардимки, фарзандингизда травма ёки бош чайқалишига ўхшаш бирор нима сездингизми, албатта, шифокорга мурожат қилинг. Касалликнинг биринчи белгисини бартараф этсангиз, ундан бутунлай қутуласиз.

Баъзан нотўғри тушунча натижасида беморлар психотерапевт шифоконасидан узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Бироқ бу ҳолатда шифокор маслаҳати ҳаводек зарур. Фақат мутахассисгина тўлиқ текширувдан сўнг, хусусан, энцефаллограмма (бош мия фаоллигини текшириш мақсадида олинadиган сурат) орқали ташхис қўйиб,

муолажа тайинлайди. Енгил ҳолларда эса психотерапевт қабулидаги бир неча муолажа машғулоти ва юмшоқ седатив дори воситалари ёрдам беради. Болангиз учун эса бундай дорилардан кўра кўпроқ кечки ҳаводаги сайр, тунги сокин мусиқа ёки оқшомги эртақ, хонадаги муҳит, ухлашдан олдинги табиий гиёҳлар билан қабул қилинган ванна ёрдам беради. Шунинг ҳам айтиб ўтмоғим жоизки, агар касалликка эътибор қилинмаса, оқибати биз кутганимиздан-да ёмон бўлиши мумкин (албатта, ҳаммада касалликнинг даражасига қараб). Узоқ вақт давом этиб келган сомнамбулизм асорати судургига олиб келади.

ЎЗИ ЎТИБ КЕТИШИ МУМКИНМИ?

Агар сомнамбулизм хуружлари ўсимрлик даврида ойда бир марта содир бўлиб, бола руҳан соғлом бўлса, ёши катталашгани сари ўтиб кетиши мумкин. Аммо шифокорнинг маслаҳати ота-онага хотиржамлик учун зарурдир. Агарда, хуружлар бир тунда 2-3 марта тақрорланса ёки бошқа руҳий бузилишлар мавжуд бўлса, изтироб ёки стресс ҳолати белгилари пайдо бўлади. Ва бундай ҳолда, албатта, мутахассисга мурожаат қилиш керак.

Касалликнинг олдини олиш учун, аввало, оиладаги шароитни яхшилаш ва тўғри кун тартибига риоя қилиш зарур. Мен гувоҳ бўлган бемор болаларнинг баъзилари ота-оналарнинг жанжаллари сабабли, кучли стрессни бошидан ўтказишган ва касалликка чалинган. Оилавий жанжаллар боланинг тарбияси билан бирга саломатлигига ҳам зарар етказиши мумкинлигини унутмаслигимиз зарур.

Кун тартиби ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Тушликдан кейинги тамадди маҳалида қахва, аччиқ чой, шоколад, газли ичимликларни истеъмол қилмаслик лозим. Чунки бу каби маҳсулотлар таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Кечки соат еттидан кейин телевизор ва компьютер қаршида ўтиришдан воз кечган маъқул. Ётоқхона ҳарорати ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Ухлашдан олдин хонани яхшилаб шамоллатиб, ҳароратни ўзингиз учун қулай ҳолга келтириб ухлаш тавсия этилади. Уйқу олдиндан ёқимли ва тинчлантирувчи мусиқа эшитиб дам олиш ҳам фойдали.

ОЙНИНГ ҚАНДАЙ ДАХЛИ БОР?

Ойпарастлар тунги саргузаштларини ой тўлган вақтда амалга оширади деган тушунчалар ҳам бор. Аммо бу хато тушунча. Сомнамбулизмни кўпинча ойнинг одамга таъсири билан боғлашади, шундан "ойпарастлик" деган ном келиб чиққан. Бироқ бу илмий жиҳатдан исботланмаган. Шунчаки бу касаллик билан боғлиқ ҳолатлар тунги уйқу вақтида содир бўлади.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

ЭЪЛОН

Досмухамедов Абдухалил Абдусатторович номига эга бўлган Тошкент шаҳар Юнусовдо тумани проектант 2/5 13 хонадон кадастри йўқолган.

Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 6 августдаги 627482-сонли тартиб рақам билан рўйхатга олинган Яқкасарой кичик халқа авто йўли 87/Б манзилида жойлашган "FRIENDLYTEAM" ХК (СТИР: 305688058) корхонанинг 2019 йил 28 декабрдаги тугатилиши ҳақидаги қарорига асосан тугатилади.

Тошкент вилояти Қибрай туман “4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ” акционерлик жамияти жамоаси

*Ўзбекистон халқининг ҳамда Ватан ҳимоячилари бўлган
мард ўғлонларимизни*

14-январь – Ватан Ҳимоячилари куни

билан самимий муборакбод этади!

*Меҳнаткаш халқимизнинг тинчлик ва осойишталиги,
хотиржамлигини ҳамда беғубор осмонимиз мусаффолиги-
ни таъминлашда барчага куч-ғайрат, мардлик ва матонат,
енгилмас қудрат ва сўнмас шижоат тилаб қолади!
Янги йилда барча ўйлаган ниятларингиз амалга ошсин.
Ўзбекистон осмонида доимо тинчлик ва
фаровонлик ҳукм сурсин!*

Байрамингиз муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган

Oilavajamiat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга
олинган. Буюртма Г – 136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ.
Адади – 2001. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5